

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

HAQSEVAR ONA YURT, MANGU BO`L OBOD!

@haqiqatonline_24

Haqiqat online

haqiqatonline_

Viloyat
ijtimoiy-siyosiy
gazetasi

1928-yil 11-dekabrda
asos solingan

2025-yil 11-iyun / CHORSHANBA / № 41 (13802)

Юртимни кутиб ол шонли Мундиал!

Кеча Футбол
бўйича Осиё мин-
тақасида Жаҳон чем-
пионати саралашининг
3-босқичи доирасида сўн-
ги 10-тур учрашувлари
ўтказилди.



Мазкур тур доирасида Ўзбекистон миллий терма жамоаси Тошкентдаги "Бунёдкор" стадионида Қатар термасини тору мор келтирди. Бир тур аввал Мундиал йўлланмасини нақд қилиб олган вакилларимиз миллионлаб мухлисларимиз ҳаққи-ҳурмати — фақат ва фақат ғолиблик учун тўп суришди. Футболчиларимизнинг тўлиқ устунлигида ўтган ушбу ўйин 3:0 ҳисобида якунланди.

Шу кунги ўттиз мингдан зиёд мухлислар кўз ўнгисида Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Музаффар футболчиларимиз ва уларнинг мураббийлари давлат мукофотлари ҳамда "BYD" CHAMPION автомобиллари калитини Президентимиз Шавкат Мирзиёев қўлидан қабул қилиб олишди.



Бировга мутелик дардлари оғир,
Қарамлик гурбати этади адо.
Неларни кўрмайди беилж тақдир,
Яшадан не асли мақсад мўддао...
Вақт келиб сабр ҳам тўлар экан-ку,
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!

Тенгларнинг ичида тенгдир жон Ватан,
Илм-фан бобида ҳеч кимдан каммас.
Келажак умиди фарзандлар экан,
Унинг машъаласи ҳеч қачон сўнмас.
Бахт кулиб, бошини силар экан-ку,
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!

Мозийдан тикилар уйғоқ нигоҳлар,
Гарчи у зулмининг дастидан абгор.
Кўксидан ўчмаган фиғону оҳлар,
Замона зайлидан чеккан минг озор...
Чин дилдан эзгулик тилар экан-ку,
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!

Юртбошим меҳри бу, эътибори бу,
Ҳар қалбда уйғотган ғайрат, шижоат.
Ватанга муҳаббат абадий туйғу,
Олдинга интиломоқ чоғидир фақат!
Орзулар вақт келиб гуллар экан-ку,
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!

Сарсон саргардон йўл босди узоқ,
Шамолу довуллар эсиб қўймади.
Бетиним эргашиб азобу қийноқ,
Мазлум эл қаддини топтаб тўймади...
Матонат — мард, жасур қилар экан-ку,
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!

Майдонда курашар ҳар фарзандинг шер,
Миллат ори учун тикдилар жонни.
Бугун олам аҳли ҳавас ила дер:
«Яна лол қолдирдинг кўҳна жаҳонни».
Дунёга йўл олса бўлар экан-ку...
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!..

Менсимас манфаат очирмади кўз,
Беғона ниятлар тузоққа олди.
Бўғзида қадалиб қолиб кетди бўз,
Чорасиз дамларни бошига солди...
Умидвор умидлар бўлар экан-ку...
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!

Ушадди ниҳоят кўп йиллик орзу:
Юртимни кутиб ол шонли мундиал!
Энди зафар йўли бўлмас қоронғу,
Омадлар ёр бўлсин сенга ҳар маҳал!
Саодатинг порлоқ кўлар экан-ку,
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!..

Дунёки кундан кун қалқиб турибди,
Тўлқинлар мавж урар, дарё турмас жим.
Довулу шамоллар кезиб юрибди,
Қайдадир яхшилик, қайдадир зулм...
Эзгулик бор жойда қуйлар экан-ку,
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!

Ишончу ирода, сўнмас қатъият
Ўғлонлар қалбига бўлди жо бугун.
Жаҳон аҳли ҳатто тан олар хурсанд,
Олқишлайди бутун Осиё бугун.
Ҳақ деганин Ҳақ ҳам қўллар экан-ку,
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!..

Асрий орзулари ушалиб элнинг,
Ўзлигин қаддини кўтарди бардам.
Манзили порлоқдир бу янги йўлнинг,
Шижоат, шашти зўр, одимлар шаҳдам.
Диллар ҳам шодлиқдан тўлар экан-ку,
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!

Истаклар рўёби ҳар дилга сайқал,
Кўз порлар шарафнинг қасидасидан.
Чайқал она халқим, ғурурла чайқал,
Кўксинг тоғ ғолиблик наҳидасидан,
Юрагинг бахтга эш бўлар экан-ку,
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!

Бу дамлар ўзидан бўлмади пайдо,
Армонлар бирма-бир ечмоқда тугун.
Қадри ҳам юксалиб кундан кун ҳатто,
Бунёдкор элимиз шод, омон бу кун.
Диллар ҳам шодлиқдан тўлар экан-ку,
Нурафшон кунлар ҳам келар экан-ку!

Юртбоши истаги — зафар номасин
Авлодлар кўнглида асрамоқ ҳар он.
Умидинг сўлмасин, асло битмасин
Бу порлоқ кунларинг, жон Ўзбекистон!
Токи кўнглинг сўнмас нурларга тўлсин,
Нурафшон кунларинг абадий бўлсин!

Ўткир РАҲМАТ

САККИЗИНЧИ УРИНИШ

ёхуд 28 йил кутилган йўлланма

2025 йил 5 июнь. Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси ушбу санада 2026 йилда Америка қитъасида ўтказиладиган Жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди. Ўзбек футболчи ихлосмандлари мазкур воқеликни 28 йил кутди. Бу муваффақият тинимсиз машаққатлар, сабр-тоқат ва бирдамлик мукофоти, аслида.

4



Боланинг бўш вақти — ДУШМАННИНГ ИШ ВАҚТИ



2025 йил 15 май куни Президентимиз раҳбарлигида мактаб таълими тизимидаги ислохотларга бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида таълимнинг барча босқичларига замонавий ёндашувларни жорий этиш, ёшлар тарбияси ва уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишда давлат раҳбари томонидан ёшлар бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган "Долзарб 90 кун" дастури эълон қилинди. Ушбу дастур ёшларда ижтимоий фаолликни ошириш, уларнинг билим ва кўникмаларини ривожлантириш ҳамда маданий-маънавий савиясини юксалтиришга хизмат қилади.

2



Шу ўринда ҳақли савол туғилди: кўпчилиكنинг фарзандини ёзги оромгоҳларга юборишга шароити ва имконияти йўқ. Хўш, бугун ота-оналаримиз уйда қолаётган фарзандини таътил вақтида нима билан банд бўлаётгани, кимлар билан вақтини ўтказётгани, нимага кўпроқ қизиқиши хусусида ҳеч ўйлаб кўряптими? Айни кунда кўплаб ёшлар бўш вақтларини ижтимоий тармоқларда, хусусан, турли интернет сайтларида ўтказмоқда. Ижтимоий тармоқларда кўплар янги дўстлар ортириб,

минг нафар ўқувчи-ёшлар учун маданий-маърифий ва спорт тадбирлари, касб тўғрақлари ташкил этилиши белгилаб олинди.

Бунда, ёз давомида 144 та кундузги ҳамда 17 та стационар оромгоҳ, 23 та “Баркамол авлод” болалар мактаби, 50 та маданият маркази ва 33 та болалар музика ва санъат мактаби, 5 та музей, 34 та спорт мактаби, 22 та “Турон” ахборот-кутубхона марказлари ёшлар хизматида бўлади.

— Албатта, болалар ёзги таътилни ўз хоҳишича, имкон қадар мак-

келиши шубҳасиз.

Ҳозирги кунда ўқувчиларда касб-хунарга қизиқиши уйғотиш, муайян кўникма ва малака пайдо қилиш, қобилиятини тўғри йўналтириш ва кашф этиш, бўш вақтини мазмунли ва фойдали ўтказишда мактабгача ва мактаб таълими тизимидаги “Баркамол авлод” мактабларининг ҳам ўрни беқиёс.

Асосийси, болалар ушбу мактабларда хунарамандчиликдан тортиб, робототехникагача, маданиятдан тортиб спортгача, Олий таълимга

ҳам уларнинг қизиқишларига қараб ташкил этиляпти. Мақсад эса битта — болаларни ёзни мароқли ва мазмунли ўтказишларини таъминлаш.

Хусусан, Бекобод шаҳар “Баркамол авлод” болалар мактабида “Ёз-2025” мавсумида ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида спорт мусобақалари ва тўғарак машғулоти билан бир қаторда табиат қўйнига саёҳатлар ташкил этиляпти. Тўғарак аъзолари пикник қилиб дам олиш бораборида табиат қўйнида ноодатий машғулот-



даниятни шакллантириш учун “Тоza кўплар”, “Тўғри овқатла-ниш” тарғибот тадбирлари олиб боришмоқда.

“Турон” вилоят ахборот-кутубхона маркази ва унинг туман ва шаҳар бўлимлари, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими, вилоят болалар кутубхонаси томонидан ташкил этиладиган “Китоблар қарвони” эса болаларга алоҳида заъв улашиши шубҳасиз.

Шунингдек, ўқувчиларни тарихий обидалар ва диққатга сазовор жойлар билан яқиндан таништириш бўйича “Вилоят бўйлаб саёҳат” лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилган. Мазкур тадбирларни амалга ошириш учун туман, шаҳарларда кунлик режа асосида маънавий-маърифий, спорт ва маданий тадбирларни ўтказиш бўйича режа-графиклар ишлаб чиқилди.

Бугун шиддат билан ривожланиб бораётган замонда ҳар биримиз учун вақт олтинга тенгдир. Утган вақтни ортга қайтаришнинг эса имкони йўқ. Демак, ҳар бир ота-она фарзандининг таълим-тарбия олиши, овқатланишдан тортиб, дам олишигача муайян вақт белгилаб бериши, ёшлигиданок уларга вақтдан унумли фойдаланишни ўқитиб бормоғи керак. Ёнг аваало, ёшларнинг қалбига Ватанга муҳаббат туйғусини уйғотиш, маънавий дунёсини бойитиш ҳамда бўш вақтларини самарали ўтказишларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Келинг, қимматли вақтимизни болаларимиз учун сарфлашдан эринмайлик, уларни кўлидан етаклаб, театрга, кутубхонага, музейга олиб борайлик, қизиқишларини ўрганиб, иқтисодини ривожлантириш учун кўмаклашайлик. Бу ишни эрта-индин эмас, яхшиси бугуноқ бошлайлик. Зеро, буш вақтда бўшлиқ пайдо бўлмасин.

Нозима РАСУЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири

Боланинг бўш вақти — ДУШМАННИНГ ИШ ВАҚТИ

узокдаги “яқин”лари билан мулоқотда бўлмоқда. Бунинг нимаси ёмон дерсиз? Тўғри, сиртдан қараганда бунинг ёмон жойи йўқдек. Аммо интернет тармоқларида тарқатилган аксар маълумотлар, реклама-лар алдов ва гаразли мақсадларга йўналтирилган бўлиб, улар ёшларни шу йўл орқали ўзларига олдириб олишлари осон бўлмоқда. Шунинг учун ҳам уларнинг бирор фойдали фаолият билан шугулланиши масаласига доимий эътибор қаратишимиз муҳимдир. Хусусан, бу борада кенг жамоатчилик, яъни оила, маҳалла, таълим муассасаси ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ижобий натижалар беради.

Дарҳақиқат, эртаминг эгалари бўлган болажонларнинг соғлом вояга етишлари, кенг дунёқарашга эга ҳур фикрли инсон сифатида шаклланишлари учун мамлакатимизда қўлай шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Болажонларнинг ёзги таътилни мароқли ўтказишлари учун юртимизда кўплаб соғломлаштириш оромгоҳлари фаолият кўрсатаётгани фикримизни тасдиқлаб турибди.

Хабарингиз бор, жорий йил 31 май куни Республика бўйлаб барча мактабларда “Долзарб 90 кун” доирасида ўқувчи-ёшларнинг ёзги таътил давомидаги вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича ўтказилаётган тадбирларга рамиш старт берилди. Вилоят бўйича ёз давомида, 500

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

табдан, ўқиш-чизишдан йироқда ўтказишга ҳаракат қилади, — дейди Тошкент туманидаги 9-умумтаълим мактаби директори Шохиста Ниёзова. — Шу сабабли бошда мактабда ташкил этилган оромгоҳга қизиқувчилар кам бўлди. Аммо бир неча машғулотдан сўнг барчанинг фикри ўзгариб. Бунда бизнинг аънавий усуллардан воз кечиб, соғломлаштириш тадбирларини болаларнинг қизиқиши, истагига мослаганимиз кўл келмоқда. Бундан нафақат ўқувчилар, балки уларнинг ота-оналари ҳам хурсанд. Мактабимиздаги соғломлаштириш майдончасига 1 минг 245 нафар ўқувчи қамраб олинган бўлиб, улар орасида бу ерда ташкил этилган ҳарбий спорт тўғрагига қизиқувчилар сони кўп. Шунингдек, футбол, турон яккакураши, баскетбол, волейбол, шахмат-шашка тўғрақлари ҳам болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларида кўл келмоқда. Ўқувчи қизларимиз учун эса пазандчилик, рассомчилик, тикиш-бичиш тўғрақлари ҳам ишлаб турибди. Куни кеча битирувчи синф ўқувчиларини касбларга қизиқтириш мақсадида Зангиота тумани иқтисодий суди ҳамда Тошкент тумани жиноят ишлари суди судьялари ва туман адлия бўлими раҳбари билан очик мулоқот ташкил қилдик. Меҳмонлар судьялик касби сир-асрорлари, қонуничилиги ҳақида батафсил маълумот беришди. Ўқувчилар ҳам ўзларини қизиқтирган саволларга меҳмонлардан жавоб олишди. Бу каби учрашувлар келажакда касб танлашларида кўл



тайёрловдан тортиб, хорижий тилларгача мустаҳкам билим ва кўникмаларни эгалламоқда.

— “Долзарб 90 кун” тадбирлари доирасида вилоят ҳамда жойлардаги 22 та “Баркамол авлод” болалар мактабида 79 та йўналиш бўйича 157 та тўғарак фаолияти йўлга қўйилган, — дейди вилоят “Баркамол авлод” болалар мактаби директори Гузал Абдусатторова. — Ушбу тўғаракларга 25 мингга яқин ўқувчиларни қамраб олиш режалаштирилган. Уларга 1 минг 167 нафар педагог дарс беради. Шунингдек, 178 та мактабда тармоқ тўғараклари фаолият олиб бормоқда. Қувонарлиси, кунига 7 ярим мингга яқин ўқувчи машғулотларда фаол қатнашмоқда. Дарслар

лар ўтказишмоқда. Бу уларда мавзу бўйича кўникма ҳосил қилиш билан бирга табиатга бўлган муҳаббатларини ҳам оширишга хизмат қилмоқда.

— Хонадан кўра табиат қўйнидаги машғулотнинг завқи бўлакча экан, — дейди мактаб ўқувчиларидан бири Озодбек Ҳайитбоев. — Ўрмон ҳўжалигидаги пикник дейсизми, “Устоз ва мураббийлар” боғида қодир остида китоб ўқиши, бари ўзгача ҳисси-ётларни берди. Тоza ҳавода, ҳамма хурсанд, таътил кўнларимиз ана шундай мароқ билан ўтаётганидан мамнунмиз. Бу каби машғулотларни фақат таътил вақтида эмас, ўқиш даврида ҳам ўтказсак қанийди.

Сир эмаски, ёзги таътил бу бола-

“Долзарб 90 кун” дастури доирасида вилоятимизнинг Ўрта Чирчиқ тумани ҳамда Нурафшон шаҳридаги мактабларда ўқувчи-ёшларнинг касбга қизиқишини ошириш ва ўқитиш учун “Ёзги касб марказлари” ташкил қилинмоқда. Бунда мебелсозлик, дизайн, IT, робототехника, пазандчилик, тикувчилик ва каштачилик бўйича 32 ойлик курслар ташкил этилади. Бундан ташқари, вилоятдаги 22 та касбга ўқитиладиган мактабларни йирик ишлаб чиқариш корхоналарига бириктириш орқали касбий маҳорат дарслари йўлга қўйилди. Шу билан бирга, корхоналарга ўқувчи-ёшлар саёҳатларини ташкил этиш режалаштирилган. Бу ҳақида газетамизнинг кейинги сонларида батафсил ёритамиз.

▼ Uchrashuv



POLSHALIKLAR — TALABALAR DAVRASIDA

Тошкент давлат аграр университетда “О‘zbekiston — Polsha madaniyat kuni” bo‘lib o‘tdi. Mazkur tadbir ikki xalq o‘rtasidagi do‘stlikni mustahkamlovchi voqeaga aylandi.

Tadbirida Polsha Respublikasining O‘zbekistondagi elchisi, WSBU universiteti prorektori Rafat Rebilas hamda xalqaro bo‘lim rahbari P.Urgacz ishtirok etdi. Ular ikki xalq o‘rtasidagi yaqinlikni mustahkamlovchi bunday tashabbuslarni doimo qo‘llab-quvvatlashlarini bildirdilar.

— Bu tadbir orqali O‘zbekiston va Polsha o‘rtasidagi madaniy va ilmiy hamkorlik yana bir bor o‘z amaliy ifodasini topmoqda, — dedi Toshkent davlat agrar universiteti rektori Narzullo Obolmurodov. — Polshaning nufuzli oliyog‘hlaridan biri — WSBU bilan aloqalarimiz yildan-yilga mustahkamlanmoqda. Talabalarimizga yangicha dunyoqarash va xalqaro tajriba berishda bu kabi tadbirlar muhim ahamiyatga ega.

Tadbir doirasida “Agrar yulduzlari” ansambli va “Feruza” raqs jamoasi tomonidan ijro etilgan o‘zbek va polyak kuy-qo‘shig‘lari, raqslar, sahna ko‘rinishlari tomoshabinlarga unutilmas daqiqalarni tuhfa etdi. Turli madaniyatlar o‘rtasidagi uyg‘unlik, milliy ohanglarning yagona sahnada yangrashi barchani hayratga soldi.

Shuningdek, polshalik mehmonlar tomonidan tashkil etilgan viktorina ham yoshlar orasida katta qiziqish uyg‘otdi. Eng faol va bilimli talabalar esdalik sovg‘alari bilan taqdirlandi.

Mehridin IBRAGIMOV,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири

TO‘YBOLALAR VELOSIPED MINIB QAYTISHDI

Bekobodlik tadbirkor Zuhridin O‘rmonov xayrli ish tashabbuskori bo‘ldi. U tumanda yashovchi 15 nafar kam ta‘minlangan oila farzandi uchun sunnat to‘yi qilib berdi. Tantanalar yuqori darajada tashkil qilinib, har bir bola uchun bayramona muhit yaratildi. Tadbirda har bir to‘ybolaga velosipedlar sovg‘a qilindi.

▼ Saxovat

— Bugun yurtimizda inson qadri ulug‘lanyapti, insonparvarlik, saxovat va mehr-oqibat kabi yuksak qadriyatlariga katta e‘tibor qaratilmoqda, — dedi tantanalarda ishtirok etgan Toshkent

viloyati AOKB boshlig‘i Shahboz Nizomiddinov. — Prezidentimiz tashabbusi bilan amalga oshirilayotgan islohotlar inson manfaatlarini uchun xizmat qilmoqda, ko‘makka muhtojlarga har

tomonlama yordam ko‘rsatish asosiy vazifalarimizdan biriga aylanmoqda. Xayrli ishlar xalq orasida ham keng qo‘llab-quvvatlanmoqda. Oramizda ana shunday ezgu ishlarni amalga



oshirayotgan fidokor insonlarning ko‘pligi barchani quvontiradi. Ezgu tadbir doirasida yana bir yaxshi ish amalga oshirildi — tantanaga taklif etilgan 210 nafar bolajonga ham esdalik sovg‘alari

ulashildi. Bu nafaqat bolalar, balki ularning ota-onalari uchun kutilmagan quvonchlarga sabab bo‘ldi.

Sarvinov SHERALIYEVA
Bekobod tumani

▼ Ta‘lim

Globalashuv jarayonida xorijiy tillarni, xususan, ingliz tilini bilish zamonaviy jamiyatda muvaffaqiyatga erishishda muhim omillardan biriga aylandi. Yurtimizda ham keyingi yillarda ingliz tilini o‘rgatishga bo‘lgan e‘tibor ortib bormoqda. Davlat siyosati darajasida qabul qilingan qarorlar va islohotlar bu sohani sifat jihatidan yangi bosqichga olib chiqmoqda.

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yilda qabul qilingan “Chet tillarni o‘rganishni yanada ommalashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni mamlakatda ingliz tilini o‘rganishni davlat siyosati darajasiga olib chiqdi. Shu asosda maktab, lisey, kollej va universitetlarda til o‘rgatish tizimi qayta ko‘rib chiqildi va zamonaviy metodlarga asoslangan o‘quv dasturlari joriy etildi.

Ta‘lim jarayonida an’anaviy gramma-



tik-tahlil usulidan tashqari kommunikativ metod, CLIL (Content and Language Integrated Learning — fan va tili birgalikda o‘qitish) va task-based learning kabi usullar keng joriy etilmoqda. Ayniqsa, CLIL usuli

asosida fanlarni ingliz tilida o‘qitish tajribasi lisey va oliy ta‘lim muassasalarida keng rivojlanmoqda. Bu o‘quvchilarda tili faqat grammatika yoki lug‘at bilan emas, balki amaliy jarayonda o‘zlashtirish imkonini beradi.

Metodikaning samarali bo‘lishi ko‘p jihatdan o‘qituvchi salohiyatiga bog‘liq. O‘zbekistonda ingliz tili o‘qituvchilari uchun muntazam malaka oshirish kurslari tashkil etilmoqda. Xususan, Buyuk Britaniya Kengashi, Ziyonet va Xalq ta‘limi vaziri-

gi hamkorligida zamonaviy metodikalar o‘rgatiladigan treninglar o‘tkazilmoqda. Shu bilan birga, CEFR (Yevropa til standartlari) bo‘yicha o‘qituvchilarning malaka darajasi baholanmoqda.

Pandemiya davrida rivojlangan onlayn ta‘lim modellari ham bugungi kunda samarali qo‘llanilmoqda. Onlayn platformalar (masalan, Duolingo, Quizlet, Google Classroom, Coursera) orqali o‘qitish usullari o‘quvchilarning mustaqil o‘rganish qobiliyatini oshirishda muhim ahamiyat kasb etmoqda.

Ingliz tilida fan o‘qitish jarayonida ayrim to‘siqlar ham mavjud. Yetarli tajribaga ega mutaxassislarning joylarda yetishmasligi, o‘quv-metodik materiallarning kamligi, qishloq maktablarida infratuzilmaning yetishmasligi kabilar shular jumlasidandir.

Qo‘shma ta‘lim dasturlarini ko‘paytirish, interaktiv va multimedia resurslar yaratish, qishloq hududlaridagi o‘qituvchilarga motivatsiya berish tizimini takomillashtirish yuqoridagi muammolarni hal etishda katta ahamiyat kasb etadi.

Muxtasar aytganda, O‘zbekistonda ingliz tilini o‘qitish metodikasi bosqichma-bosqich isloh qilinmoqda. Davlat siyosati, ilg‘or pedagogik yondashuvlar va axborot texnologiyalarining joriy etilishi natijasida o‘quv jarayoni sifat jihatidan yangi pog‘onaga ko‘tarildi. Bundan keyingi vazifa — amaliyotdagi muammolarni bartaraf etish va global ta‘lim standartlariga mos metodikani yaratishdir.

Aziza MEYLIYEVA,
Mirzo Ulug‘bek tumanidagi
121-maktabning ingliz tili o‘qituvchisi

▼ Эй, умри азиз...

ДЕХҚОНДАН ЧИҚҚАН СЕЛЕКЦИОНЕР

“Юсупов” но-ли помидор навалининг муаллифини биласизми?



Отамиз меҳмонни айвонга бошлар эканлар, бизга чой олиб келишни буюрдилар. Хонтахтага дастурхон ёзиб, чой ва пиёлаларни олиб келар эканмиз, отамиз бизни ҳам кўрпачага ўтиришимизни айтдилар:

— Амакингни яхши таниб олинлар, бу киши Карим ака Юсупов бўладилар. Помидорнинг янги навини яратган одам.

Отам газетига ўралган, нақ ко-садек келадиган помидорни олиб бизга узатдилар. Укам билан шу кунгача бунақа катта помидорни кўрмаганлигимиз учун бир на-рса дейишга тилимиз айланмай қолганди. Меҳмонни кузатиб қўй-гач, газетадаги “мўъжиза совга”-ни дераза ёнига кўр эканмиз, ҳовлидаги юмушлар билан банд

Ўтган асрнинг 60-йиллари эди. Кунларнинг бирида эшикдан, ўша пайтда республикамызда янги ташкил этил-ган Қўйлик иссиқхонасининг биринчи директори лавози-мида фаолият кўрсатаётган Абдулҳақ отамиз ўрта ёшли киши билан кириб келдилар. Укам билан югуриб бориб са-ломлашдик.

бўлган онамиз, ака-опаларимиз келишини сабрсизлик билан кут-дик. Улар бирин-кетин уйга кириб келар эканлар, отамиз қолдирган помидорни кўрсатиб, мақтанар эдик. Кўйинги, помидор ҳақида эшитган қўшни болалар ҳам (ким бир ўзи, яна кимдир ота-ониси билан) турнақатор бўлиб, ушбу мўъжиза билан танишиб ке-тишга ошиқардилар. Бу ҳол бир неча кун давом этди. Сўнг ким-дир помидор вақтида ейилмаса, бузилиб қолиши мумкинлигини айтди. Шундан сўнг ундан “ачи-чук” қилиб, ҳозир бўлган барча ўртоқларимиз билан баҳам кўр-дик...

Бу воқеага ҳам ярим асрдан кўп вақт ўтди. Бу даврда Карим ака Юсупов нафақат Ўзбекистон,

балки хорижий давлатларда ҳам кенг танилди, у киши ҳақида га-зета-журналларда кўплаб мақо-лалар чоп этилди. Хотира ва қа-дрлаш қуни арафасида у кишини яна бир бор эсладим.

Карим Юсупов 1910 йил 10 октябрда Зангиота тумани Хо-нобод қишлоғида туғилган халқ селекционери, уста деҳқон, саб-завотчилик амалиёти новатори бўлиб, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном” фахрий ун-вонига сазовор бўлган. Меҳнат фаолиятини ўзи туғилиб ўсган қишлоқда тузилган колхоз аъзо-си, деҳқон сифатида бошлаган. Вақти келиб, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик институти қошидаги ишчи факультетини тугатган. Бухоро вилояти (ҳозирда Наво-

ий вилояти ҳудудида жойлаш-ган) Қизилтепа туманида бош агроном бўлиб ишлаган. Мин-глаб ватандошларимиз қатори Карим ака ҳам Иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида иштирок этган. Урушдан қайтгач, Қорасув ўрмон хўжалигида, Ўрта Чирчиқ туманидаги жамоа хўжалигида бош агроном, Ўзбекистон саб-завот, полиз экинлари ва кар-тошқачилик илмий-тадқиқот ин-ститутинида илмий ходим бўлиб фаолият кўрсатди. Карим ака мустақил ҳолда сабзавот се-лекцияси билан шуғулланган ва яккаторлар асосида йирик ме-вали, ўрта кечпишар (135 кунда пишадиган), тупи кучли ўсади-ган (пояси 1,5-2 м.), серҳосил (хар тупида 8-10 кг.), сифатли,

касалликларга чидамли, вазни 0,3-1,2 кг., ҳосилдорлиги 500-600 ц/га (1000 гача), эти мазали, уруғи кам, машхур “Юсупов” по-мидор навини яратган. Мазкур нав 1960 йилдан Ўзбекистон-нинг барча вилоятларида, шу-нингдек, қўшни республикалар-да районлаштирилган. Карим ака “Юсупов” навли помидор ҳақидаги китоб муаллифидир. ...Бозорда одамларнинг “Юсу-пов” помидорини севиб харид қилаётганларини кўрганимда бе-ихтиёр ярим асрдан кўпроқ вақт олдин бўлиб ўтган ўша воқеани эслайман ва Карим акани дуо қи-ламан.

Маҳмуджон ТОИРОВ,
Ўзбекистон журналистлар
уюшмаси аъзоси



▼ Дарвоқе

Тошкент вилояти-даги Бўка туманини ҳамма билади. Ҳўш, каттагина бир туман номини билдирган бу сўзнинг асл илдизи қандай маънога эга?



БЎКАДАГИ КАТТА ИЛОН

Маҳмуд Кошғарийда бўка сўзи бўка шакли-да берилиб, “катта узун илон” маъносига изоҳланган. “Де-вону луғотит турк”да бу сўз билан боғлиқ шундай тарих бор: “Мақолда шундай келган жўтти башлғ јіл бўкә – Етти бошли узун илон. Ябоқулар-нинг энг улуг катталарини бу сўз билан бўкә будриж деб аталгани каби баъзи баҳодир-ларни ҳам бу сўз билан атай-дилар”.

Демак, бўка сўзи баҳодир, ботир маъносини ҳам бил-дирган. Зеро, ўтмишда катта пахлавонларни аждарҳодай деб таърифлашган. Бакуват, кучли, девкен-бат кишиларни ҳозир ҳам тилимизда шундай дейишадди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутафғу билиг”ида бу сўз бōғу шаклида бўлиб, доно, донишманд мазмунини келган.

Кўнул тил қони тут э билга бōғу
Маъноси:
Кўнул ва тилни тўғри тут,
эй билағон доно.

Қадим замонларда илон донолик рамзи бўлган. Бу ҳақда манбаларда айтилган. Бош-қа халқларда ҳам шу қараш бор. Масалан, Редярд Киплинг асари асосидаги “Маугли” мультфильмида катта илон Каа доно бўлади. Шу ўринда Юсуф Хос Ҳожибда “бўка” сўзи доно маъносига келиши шу кечмишлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Яна бир нарсани ай-тиб ўтишимиз керак, Хос Ҳожибда “бўка” сўзи аждарҳо маъносига ҳам келган:

Йаған йзл бōке-теғ
йзр эркан ағар
Маъноси:
Дунё аждарҳо каби ер экан,
яна очқади.

“Туркий тиллар этимологик луғати”да “бōке” кучли, ботир, қахрамон, мустаҳкам, ча-йир маъноларини англатиши ҳақида айтилган. Бу сўзнинг туб илдизи мўғул тилидаги bōke/ bex – жангчи сўзига бориб тақалдай дейилган. Рамстед қалмоқ тилидаги бōк сўзи ҳам мўғул тилидаги каби “жангчи, атлет” маъносини бил-дириши ҳақида айтиб ўтган. Тадқиқотчи олим Чигатой бōке кучли, қахрамон маънолари билан бирга “доно, донишманд” мазмунини ифодалашини ҳам унутмаслик зарурлигини уқтиради.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да баъзи ҳашаротларнинг туҳумидан чиқадиган, қўшқа-нотлилар туркумига мансуб қурт – ўқалоқни ҳам, баъзи шеваларда сайғоқни ҳам “бўка” дейишлари ҳақида маълумот бор. Леким бу бошқа мавзу.

Эшқобил ШУКУР

“Жадиб” газетасидан олинди

▼ Эътибор

“ТОМОРҚА МАКТАБИ”: МУВАФФАҚИЯТЛАР САРИ ЯНГИЧА ДАСТУР

Янгийўл туманининг “Халқобод” маҳалла-сида Республика Фермерлар кенгаши ҳузури-даги “Томорқа мактаби” ташкил этилди.

Очилиш маросимида “Бизнесни ривожлантириш банки” АТБ Бошқаруви ва “Ўзгросстар холдинг” компа-нияси раҳбарияти, хорижий мутахассислар ҳамда то-морқа ер эгалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари вакил-лари иштирок этишди.

— Мактабда томорқа ер эгалари, деҳқон ва фермер хўжаликлари вакилларининг ҳар бир гуруҳи учун ҳафта-да 4 кун ўқув машғулоти ташкил этилади, — дейди Вилоят Фермерлар кенгаши раиси ўринбосари, Марказ директори Зойир Эшна-ев. — Асосий мақсадимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда оилалар даромадларини ошириш-дан иборат. Мактабимизда шу кунга қадар томорқа ер эгалари бўлган Тошкент ви-лоятликл уч ярим минг на-фар, сирдарёлик 870 нафар хотин-қизлар таълим олиш-ди. Томорқачиликни ривож-лантириш, жойларда унинг тарғиботини олиб бориш учун 520 нафар фермерлар кенгаши ходимларининг ма-лакасини оширдик. Ҳозир-даноқ мазкур инновацион мактабимиз фаолияти билан танишиш учун Хитой ҳамда Қирғизистон давлатларидан мутахассислар келишмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бу ерда машғулотлар маҳал-лий ва хорижлик тажриба-ли профессор-ўқитувчилар томонидан олиб борилади. Хусусан, “Янгийўл — Агро-стар” компаниясига жалб этилган туркиялик малака-ли агроном Ченгиз Ялчин ер эгаларига ўзининг амалий билимларини бериб кел-моқда. Шунингдек, франция-лик мутахассис, “Ergo consulting” компанияси экс-пэрти Станислас Энрион би-лан ҳам яқин ҳамкорлик ўр-натилган. У ўрганишларидан келиб чиқиб, ихтисослашган қишлоқ хўжалиги маҳсулот-

ларини етиштиришни ривож-лантириш бўйича ўз та-всияларини бериб боради. Марказда йил якунига қадар 600 га яқин томорқа ер эга-лари, деҳқон ва фермер хў-жаликлари вакилларини ўқи-тиш режалаштирилган.

Бу йўналишдаги ишлар-ни самарали ташкил этиш мақсадида Тошкент давлат аграр университети, Сабза-вотчилик ва тупроқшунослик илмий текшириш институти ҳамда “АГРОЛАБ” илмий текшириш лабораторияла-ри билан ҳамкорлик йўл-га қўйилган. Эътиборлиси, машғулотлар назарий, ама-лий ва кўчма тарзда ташкил этилади.

Бундан ташқари, “То-морқа мактаби” тингловчи-лари агробизнес сектори учун зарур бўлган лаборато-рия таҳлили хизматларини тақдим этиш учун мўлжал-ланган “АГРОЛАБ ЎХҚМ” МЧЖ синов лаборатория-сида 3 кун давомидда олин-ган назарий билимларини мустаҳкамлаб, тупроқ, сув ва мева-сабзавотларнинг таркиби, таҳлили, экспорт қилинадиган маҳсулотларга олинадиган сертификат учун қўйилган талаблар билан та-нишиш имкониятига ҳам эга бўлади.

Дарвоқе, ҳозирда лойи-ҳа доирасида Хитой техно-логияси асосида 4 гектар майдонда 30 та тежамкор иссиқхона қурилмоқда. Кўёш нурлари тушмайдиган бир томони тўлиқ ёпилган те-жамкор иссиқхоналардан бир мавсумда 2-3 марта ҳо-сил олиш мумкин. Энг муҳи-ми, бу ерни иситиш учун ҳеч қандай энергия талаб этил-майди. Ҳар бир иссиқхона-дан олинган даромад эса 150 миллион сўмдан ошиши кутилмоқда.

Нигора ЎРОЛОВА,
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири

▼ Хабарингиз борми?

Газ ва электр энергияси учун компенсация

2025 йил 1 майдан Ўзбекистон бўй-лаб эҳтиёжманд оилаларга газ ва электр энергияси учун йил давомида компен-сация тўлаш амалиёти йўлга қўйилди. Илгари фақат қиш мавсуми (ноябрь-февраль)да берилган.

Эҳтиёжманд оилалар учун 1 июндан бош-лаб ариза топшириш бошланди. Бу ҳақда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ахборот хизмати хабар берди.

Компенсациялар қуйидаги тоифаларга мансуб оилаларга берилади:

Ижтимоий ҳимоя ягона реестри ва Камбағал оилалар реестрига киритилган оилалар – бун-да оила аъзоларига тўғри келадиган ойлик даро-мад 669 минг сўмдан кам бўлиши лозим.

Шунингдек, икки реестрга ҳам кирмаган, аммо мол-мулки кам ва ойлик даромади ҳар бир аъзога 1 млн. сўмдан кам бўлган оилалар ҳам ушбу ёрдамдан фойдалана олади.

2025 йилда эса умумий ҳисобда 1 трилли-он 330 миллиард сўм миқдорида компенсация ажратилиши режалаштирилган.

▼ Статистика бурчаги

ДОИМИЙ АҲОЛИ СОНИ

Тошкент вилоятида доимий аҳоли сони 2025 йил 1 апрель ҳолатига кўра, 3 121, 5 минг кишини ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 55,5 минг кишига ёки 1,8 фоиз-га кўпайди. Доимий яшаш ҳу-дуди бўйича шаҳар жойларда 1 559,3 минг киши (жами аҳо-ли сонига нисбатан 50 фоиз), қишлоқ жойларда эса 1 562,1 минг киши (50 фоиз) истиқомат қилмоқда. Аёллар сони 1 554,5 минг кишини (49,8 фоиз), эрқа-клар эса 1 566,9 минг кишини (50,2 фоиз) ташкил этмоқда.

САНОАТНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

2025 йилнинг январь-апрель ойларида вилоят корхоналари томонидан 41,4 трлн. сўмлик са-ноат маҳсулотлари ишлаб чиқа-рилган бўлиб, 2024 йилнинг ян-варь-апрель ойларига нисбатан саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажми индекси 104,1 фо-изни ташкил этди.

ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ

2025 йилнинг январь-апрель ойларида Тошкент ви-лоятида жами 8,6 трлн. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 119,6 фоизни таш-кил этди. Иқтисодий фаоли-ят турлари бўйича қурилиш ишларининг 71,9 фоизи бино ва иншоотларни қуришга, 16,9 фоизи фуқаролар объектла-рини қуришга ва 11,2 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишлари улушига тўғри келади.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА МАЎЛУМОТЛАР

2025 йил 1 май ҳолати-га кўра, вилоятда фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотлар сони (деҳқон ва фермер хўжаликларисиз) 42,8 мингтани ташкил эта-рилган бўлиб, 2024 йилнинг ян-варь-апрель ойларига нисбатан саноат ишлаб чиқаришининг физик ҳажми индекси 104,1 фо-изни ташкил этди.


фоизни, жумладан, кичик биз-нес ва микрофирмаларда – 98,4 фоизни ташкил этди.

ИМПОРТ ҲАЖМИ ОШДИ

Жорий йилнинг январь-апрель ойлари мобайнида Тошкент вилоятида импорт ҳа-жми 1,2 млрд. АҚШ долларни ташкил этди. 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 13,1 фоиз-га кўпайди. Импорт таркибида энг катта улуш, машиналар ва транспорт асбоб-ускуналари (27,8 фоиз), озиқ-овқат маҳ-сулотлари ва тирик ҳайвонлар (17 фоиз) ҳамда саноат маҳсу-лотлари (14,6 фоиз) ҳисобига тўғри келди.

ЧАКАНА САВДО

2025 йилнинг январь-апрель ойларида вилоятнинг чакана савдо товар айланма-си 11,6 трлн. сўмни ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даври-га нисбатан 110,3 фоизга тенг бўлди. Жумладан, йирик кор-хоналарнинг товар айланмаси 1,6 трлн. сўмни, кичик бизнес



ВИЛОЯТНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ РАҚАМЛАРДА



ва хусусий тадбиркорлик субъ-ектларининг товар айланмаси 10 трлн. сўмни, шундан уюш-маган савдо товар айланмаси 1,1 трлн. сўмни ташкил этди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШ

2025 йилнинг январь-март ойларида вилоятда етишти-рилган қишлоқ хўжалиги маҳ-сулотлари ҳажми 5 720,4 млрд. сўмни ёки 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 103,6 фоиз-ни, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 475,9 млрд. сўм-ни (103,0 фоиз), чорвачилик

маҳсулотлари 5244,5 млрд. сўмни (103,7 фоиз) ташкил қилди.

АСОСИЙ КАПИТАЛГА КИРИТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР

2025 йил январь-март ой-ларида вилоятда кичик тад-биркорлик субъектлари то-монидан асосий капиталга ўзлаштирилган инвестиция-лар ҳажми 9,5 трлн. сўмни ёки умумий ҳажмидаги улуши 58,9 фоизни ташкил этди. Ўсиш суръати 2024 йил январь-март ойларига нисбатан 134,9 фоиз-ни ташкил қилди.

Тошкент вилояти Статистика бошқармаси



БУ КУННИ ҚАНЧА КУТДИК?

Ўзбекистон миллий терма жамоаси Бирлашган Араб Амирикларига қарши баҳсда дуранг натижа қайд этиб, узоқ кутилган йўлланмани қўлга киритди. Шундан бошлаб ижтимоий тармоқлар-у телевидениеда "Биз бу воқеликни 34 йил кутдик" дея бонг уришди. Аслида жаҳон чемпионатида чиқишни неча йил орзу қилдик?

Ўзбекистон мустақил бўлгач, дастлаб, 1993 йилда Осиё футбол конфедерацияси (ОФК)га, 1994 йилда эса ФИФАга аъзо бўлган. Чарм тўп усталаримиз шу йилдан дунё миқёсидаги мусобақаларда иштирок эта бошлаган. Жаҳон чемпионати саралашдаги илк иштирок эса 1998 йилда Францияда ўтадиган мундиаль бўлган. 1997 йилда ўтган саралашнинг ҳал қилувчи босқичида вакилларимиз ўз гуруҳида 5 жамоа орасида тўртинчи ўринни эгаллаб, муваффақиятсизликка учрайди. Орадан 28 йил ўтиб, 2025 йилда ҳамюртларимиз 8-ўринида жаҳон чемпионатида чиқишди. Мустақилликка эришганимизга 34 йил бўлган эрса-да, жаҳон чемпионатида чиқишга бўлган уринишлар 1997 йилдан бошланган.

ЎЗБЕКИСТОН-ИТАЛИЯ: ЎХШАШ ТАҚДИРЛАР

Ўзбекистон миллий терма жамоаси бу натижага эришгунга қадар қўллаб қурбонлиқлар берди. Вакилларимиз қисматини қайсидир маънода Италия терма жамоасиникига қиёслаш мумкин. Боиси, италянлар 2018 йилги жаҳон чемпионати саралашда Швецияга имкониятни бой бериб, тарихда илк мартаба мундиаль йўлланмасисиз қолган эди. Ўшанда бир мутахассис бу жамоа ҳали қайтишини, қайтганда ҳам аввалгидан кучли бўлиб камбэк қилишини таъкидлаган эди. Амалда ҳам шундай бўлди: улар 2020 йилги Европа чемпионатида голиб чиқишди.

Вакилларимиз билан ҳам шунга ўхшаш воқеа кузатилди. 2014 йилги ЖЧҚ саралашнинг сўнгги босқичида ўз гуруҳида 3-ўринни қўлга киритиб, ўтиш баҳсида Иорданияга мағлуб бўлган чарм тўп усталаримиз орадан 4 йил ўтиб, ўз гуруҳида 4-ўрин билан кифояланишга мажбур бўлди. 2022 йилги мундиаль саралашда эса 3-босқичга ҳам чиқа олмади. Етмаганига Осиё кубоги йўлланмаси учун биздан бир неча бош паст даражада бўлган Шри-Ланка, Малдив ороллари, Таиланд каби жамоалар билан ўйнашга мажбур бўлди. Мазкур воқеалар фониди қитъанинг аксар кучли жамоалари бизга паст назар билан қарай бошлашди. Ўшанда маҳаллий бир спорт журналисти Ўзбекистон ҳали ўз сўзини айтди, деган эди. Якунда у ҳақ бўлиб чиқди. Бу галги жаҳон чемпионати саралашнинг иккинчи босқичида кимсан Эрон билан бир хил 14 очко жамғарган ҳолда орттиқа қийинчиликсиз сўнгги 3-босқичга йўл олди. Бу ерда нисбатан кучли жамоалар "эски қадрдон" Эрон, Шимолий Корея, Бирлашган Араб Амирикларига, Қатар ва қўшни Қирғизистон билан бир гуруҳдан жой олди. Дастлаб, Тошкентда Шимолий Кореяни, сўнг сафарда Қирғизистон республикасини мағлуб этган вакилларимиз 3-турда Эрон билан нурсиз дуранг натижа қайд этди. 4-тур биз учун бурлиш нуктаси бўлди. Асосий рақобатчимиз Бирлашган Араб Амирикларини Тошкентда қабул қилдик. Қурашларга бой ўтган баҳсда терма жамоамиз 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Биринчи давранинг сўнгги турида эса футболчиларимиз сафарда Қатарга қарши баҳс олиб боришди. Мазкур учрашувдаги ғалаба бизга деярли мундиаль йўлланмасини нақд

қиларди. Бироқ, бунга ҳакамлар тўқинлик қилишди. Учрашув бош ҳаками иккинчи бўлимга 8 дақиқа вақт қўшиб берди. Амалда бу шунчаки расмийчилик учун бўлиб чиқди. Қўшилган вақт Қатар гол ургунча, яъни 90+12-дақиқагача давом этди. Айнан ўша вақтда бош

бўлмади, деярли иккинчи таркиб билан Австралиядек жамоага қарши 1:1 ҳисобидаги тарихий натижани қайд этди (шу вақтга қадар «Яшил қитъа»ликларга гол ура олмаган эдик). Айтишингиз мумкин, жаҳон чемпионатида бизни Темур Кападзе олиб чиқди-ку, деб. Ҳа, охириги икки ўйинда бошқарув Кападзе қўлида эди. Бироқ, унгача ўйин схемаси, барча тактик ишланмалар, жамоа таркибини айнан словениялик мутахассис шакллантириб қўйганди. У кетгунга қадар биз Бирлашган Араб Амирикларидан 6 очкога ўзиб кетгандик. Тасаввур қилиясизми, саралаш якунлашишига 3 тур қолганда биз энг яқин таъкибчимиздан 6 очко олдиндамиз. Ўшанда хорижлик мутахассислар Ўзбекистоннинг жаҳон чемпионатида чиқиш имкониятларини 99 фоизга баҳолашган эди. Деярли барча мухлис мутахассислар

ди. Тасаввур қилиясизми, дунё футбол рейтингига "Топ-30" талиқдаги терма жамоа биз билан дуранг натижа қайд этганига шукр қилиятми...

Яна бир рақиб Қатар эса сўнгги Осиё кубогида ҳакамларнинг шубҳали қарорлари эвазига бизни турнирдан чиқариб юбориб, якунда чемпион бўлган эди. Шунингдек, мазкур жаҳон чемпионати саралаш босқичининг биринчи даврасида ҳам улар рефери сабаб бизни мағлуб эттишганди. Кеча Тошкентда улардан ҳам алам олдик.

Бирлашган Араб Амириклари ҳам алоҳида мавзу. Улар Жаҳон чемпионати саралашда илк иштирок этган даврларимиз – 1998 ва 2002 йилларда рақобатчимиз бўлган, иккаласида ҳам биздан устунлик қилганди. Шунингдек, улар бизни 2012 йилги Лондон Олимпиадасидан мосу-



МУНДИАЛЬ БИЗГА НИМА БЕРАДИ?

Биринчи навбатда, мундиальда иштирок этиш футболчилар маркетингининг ривожланишига замин яратади. Осиёнинг кучли жамоалари саналган Жанубий Корея ва Япония мамлакатларининг аксар футболчилари Европада тўп тепади.

Улар айнан жаҳон чемпионатларидаги иштироклари орқали шундай тизимни йўлга қўйишган. Европа футболлидан "нафас" олган футболчи қандай ўйнашини Элдор Шомуродов ва Абдуқодир Хусанов

САККИЗИНЧИ УРИНИШ


ёхуд 28 йил кутилган йўлланма

ҳакам йўқ жойдан қатарлиқлар фойдасига жарима зарбаси белгилади. Стандарт вазиятидан сўнг рақиблар дарвозамизни ишғол қилишди. Шу онда ҳакамнинг хуштаги ҳам янгради. Шу тариқа, Осиё кубогидан кейин яна ҳакамлар "курбони" бўлди. Ўшанда Катанец таслим бўлиш керак эмаслигини, ҳали етарли имкониятга эгалигимизни таъкидлаб, йилгиларни руҳлантира олди. Айнан шундан сўнг мағлубият нималигини билмай "Сехрли диёр"га йўллангани нақд қилдик.

Дарвоқе, йўлланма қўлга киритилган учрашувда қаҳрамонлик кўрсатган посбон Ўткир Юсуповнинг бу йўлдаги меҳнати салмоқли. У саралаш учрашувлари доирасида икки мартаба 11 метрлик нуқтадан қўлланган зарбани бартараф этди. Терма жамоамиз афсонаси Игнатий Нестеровга муносиб ўринбосар. Шундай эмасми?

ТАЖРИБАЛИ МУРАББИЙ ВА ЙЎҚОТИЛГАН "ТАНИШ-БИЛИШЧИЛИК"

Ўзбекистон шу вақтга қадар 8 мартаба мундиаль йўлланмаси учун ҳаракат қилиб кўрган бўлса, уларнинг энг муваффақиятсиз юқорида таъкидлаганимиздек, 2022 йилда Қатар майдонларида ўтган жаҳон чемпионати саралаш бўлган. Унга қадар вакилларимиз ҳар тугул сўнгги саралаш босқичига қадар етиб келаётган эди. Охириги жаҳон чемпионати саралашда эса терма жамоамиз иккинчи саралаш босқичидан ҳам ўта олмади. Шунда мутасаддилар футболни ривожлантиришни қўйроқдан, болалар футболлидан бошлашди. Дастлаб, 20 ёшгача бўлган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси юртимизда ўтган ёшлар ўртасидаги Осиё кубогида чемпионлигини қўлга киритди. 2024 йилда Қатар мезбонлиқ қилган 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги Осиё кубогида эса олимпиячиларимиз вице-чемпион бўлишди. Мазкур турнирдаги муваффақият ёш иқтидорларимизга тарихий йўлланма – Париж Олимпиадаси йўлланмасини тақдим этди. Ушбу турнирлар кашфиёти бўлган Аббосбек Файзуллаев, Абдуқодир Хусанов, Абдурауф Бўриев, Абдувоҳид Нёзатов, Ҳожижат Эркинов каби номлар мамлакатимиз бош жамоасига жалб этилди. Натижада, терма жамоадаги рақобат сезиларли даражада кучайди. Энди уларни бошқарадиган яхши мутахассис бўлса кифоа эди. Мутасаддилар бу лавозимга словениялик тажрибали мутахассис Сречко Катанецни олиб келди. Аслида, бугунги муваффақиятнинг замирида ушбу мураббийнинг хиссаси улкан. Айнан унинг қўл остида жамоа Мексикадек кучли рақиб билан 3:3 ҳисобида дурангга эришди, Эрон билан кетма-кет тўртта ўйинда мағлуб



Катанецнинг қолишини хошлашди. Шу пайтга қадар ҳеч бир мураббий бош жамоа бошқарувини бундай тарзда тарк этмаган эди. Сречко ўзбек футболлида энг катта муаммо – таниш-билишчиликни йўқотди. Шу вақтга қадар терма жамоани бошқарган мураббийларнинг ақалли битта "севимли"си бўлар, унинг асосий таркибдаги ўрни кафолатланар эди. Катанецда ана шундай омил йўқлиги ҳисобида ҳам бугун мундиальдамиз, аслида. Унинг қилган меҳнатлари муносиб баҳолашиб, давлатимиз раҳбари томонидан «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

МАНА БУ РАИС УЧУН, МАНА БУ...

Ўзбек кинодурдоналаридан саналган «Келинлар қўзғолони»да Фармон библининг невараси Аббос қозон бошида айтган ушбу гаплари қайсидир маънода футбол терма жамоамизга мос келади. Нега дейсизми? Боиси, тақдир мазкур саралаш босқичида бизни бир неча бор алам қўзғашлари тўқимизимизга сабабчи бўлган уч жамоа – Эрон, Қатар ва Бирлашган Араб Амирикларини билан рубарў қилди. Учала жамоа ҳам арабча футболни севиши, провакацион ҳаракатлар устаси ҳисобланиши ҳеч кимга сир эмас. Ҳатто уларнинг "актёрлик маҳорати"га баъзан учрашувни бошқараётган бош ҳакамлар ҳам қойил қолишади.

Юқорида айтганимиз, уларнинг барчаси билан ўзаро ҳисоб-китобларимиз бор эди. Эрон терма жамоаси бизни 2014 ва 2018 йилги жаҳон чемпионатидан айирган. 2014 йилги мундиаль саралашнинг 1-турида форслар Тошкентда 90+3-дақиқада гол уриб, вакилларимизни мағлубиятга учратган, амалда айнан шу очколар Эронни жаҳон чемпионатида, бизни эса мухлислар сафига "кузатиб" қўйганди. 2018 йилги ЖЧҚ саралашда эса Эрон очикдан-очик Сурияга ён босиб, ўйинни сотгани ҳисобида биз яна мундиальдан қуруқ қолгандик. Жорий саралаш босқичида эса уларга бундай имконият бермадик. Аксинча, форслар зўр-базўр дуранг натижа қайд этишди ва бундан ғалабага эришгандек хурсанд бўлиш

во қилгани кўпчилиқнинг ёдида бўлса ажабмас. Тошкентда олимпиячиларимиз биринчи бўлимдан сўнг 2:0 ҳисобида ғалаба қозона туриб, якунда 2:3 ҳисобида аламли тарзда мағлуб бўлдилар ва ёзги Олимпиада йўлланмасини қўлдан бой бердилар. Тақдир тақозаси билан орадан 13 йил ўтиб, Абу-Дабида мундиаль йўлланмасини қўлга киритдик. Улар Тошкентда қандай Олимпиада йўлланмасини қўлга киритганини нишонлаган бўлса, биз ҳам Жаҳон чемпионатида йўлланмани шундай байрам қилдик.

ТҮЙ ТҮЙДЕК БҮЛДИ

Биз иштирок этмаган ягона турнир жаҳон чемпионати эди. Мана, бу орзу ҳам ушалмоқда. Халқимизга олам-олам қувонч ҳада этган Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари давлатимиз раҳбарининг фармони биноан "Ўзбекистон ифтихори" фахрий унвони билан тақдирланди. Шунингдек, Саралашнинг сўнгги турида кеча Тошкентда Қатарга қарши ўтган беллашувдан сўнг терма жамоа таркибида бўлган барча аъзоларга – футболчилардан тортиб, шифокорларгача BYD автомобиллари тантанали равишда топширилди. Шунингдек, ўзгача шоу дастури уюштирилди. Салютлар томошаси эса тўйнинг тўйдек бўлишига хизмат қилди. Шу кун "Бунёкдор" уйингоҳига тўлганган 34 мингдан ортиқ футбол илхосмандлари чексиз қувончга кўмилишди. Улар учрашувдан сўнг ташкил этилган тақдирлаш маросимида миллат қаҳрамонларини тинимсиз оқишлаб, қўллаб-қувватлаб туришди.

мисолида билиб олишимиз мумкин. Дарвоқе, Абдуқодир Хусанов айнан кичик мундиаль – ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатидаги муваффақиятли иштирокидан сўнг Европанинг кучли клубига ўтган эди. Келаси йил Америка қитъасида ўтадиган жаҳон чемпионати эса катта футбол бозорига айланади. Дунёнинг кучли клублари ўз нигоҳини шу каби турнирларга қаратиши шаксиз. Айнан ушбу нуфузли мусобақадан сўнг Англия, Испания, Италия каби кучли чемпионатларда ўйновчи вакилларимиз сони ортиб қолиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас. Ҳар ҳолда юртимизда иқтидорли чарм тўп усталари етарлича.

Бундан ташқари, жаҳон чемпионати кучли моддий таъминотга эга бўлиш имконияти ҳамдир. 2026 йилги мундиальда тақсимланадиган маблағнинг умумий миқдори 896 миллион еврога тенг. Дастлаб, ушбу нуфузли мусобақага йўлланмани қўлга киритган терма жамоаларга тайёргарлик кўришлари учун 1,5 миллион доллардан ажратилади. Шунингдек, гуруҳ босқичида қатнашадиган ҳар бир жамоага камида 13 миллион доллардан ортиқ маблағ берилиши режалаштирилган. Демак, биз ҳозирнинг ўзида камида 14 миллион доллар ишлаб олдик. Кейинги босқичлардаги иштирок мукофот пуллари

нинг сезиларли ошишига хизмат қилади.

Бундан ташқари, ФИФА томонидан футболчиларнинг клубларига ҳам маълум миқдорда пул маблағлари тўлаб бориладиган бўлиб, 2022 йилги жаҳон чемпионати вақтида футболчининг бир кун учун унинг клубига 10 минг АҚШ доллари тўлаб берилган. Яъни, бир футболчи терма жамоаси билан 15 кун жаҳон чемпионатида иштирок этса, 150 минг доллар ишлаб олган. Келаси йилги мундиальда бу сумма ҳам ошиши кутилмоқда.

Нима бўлганда ҳам бундан терма жамоа ҳам, футболчилар ҳам, уларнинг клублари ҳам манфаат олишади. Асосий мақсадимиз – турнирда муносиб иштирок этиб, ўзбекистон ҳақиқий куч-қудратини барчага намойиш этиш. Ишонимизки, улар Ҳожибой Тожиев айтганидек, шунчаки "музқаймоқ ейиш" учун боришмайди. Балки, мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишади. Зеро, уларнинг салоҳияти бунга етади.

Сухробжон САДИРОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
шарҳловчиси



TOSHKENT HAQIQATI ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

**TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI**



"Toshkent haqiqati" va
"Tashkentskaya pravda"
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV

Ummat MIRZAUQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV

G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA

Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR

Azamot MIRZAYEV

Uskenboy ATEMOV

Abdulla XURSANOV

Shahboz NIZOMIDDINOV

Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV

Behzod QOBULOV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:

G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:

(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:

(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:

(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:

(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:

(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz

Mas'ul kotib:

Alloma AZIZOVA

Navbatchi:

Mehridin IBRAGIMOV

Ekspositor:

Behruz NURBOBOYEV

Bosishga topshirish vaqti – 21.00.

Bosishga topshirildi – 23.23.

Nashr ko'rsatkichi – 205.

Buyurtma G-635.

4 170 nusxada chop etildi.

Hajmi – 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A–2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy

kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta "Toshkent haqiqati"

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tohir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxona manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.